

	<b>Индорама Агро МЧЖ</b>	Хужжат №	О.06 IMS F-1
		Нашр № ва Сана	Ver. 1 05.09.2022
		Текш.№ ва Сана	
		Амалга кириш санаси	16.09.2022
		Саҳифа	Page 1 of 1
<b>ПУДРАТЧИЛАР УЧУН ТРЕНИНГ СИЁСАТИ</b>			

"Индорама Агро" МЧЖ ХК (Компания) барча ходимлар ва пудратчилар хавфсиз иш жойи билан таъминланиши кераклигини тан олади. Шу муносабат билан, барча пудратчилар Компания ҳудудида иш-фаолият бошлашдан олдин тегишли тайёргарликдан ўтишлари керак. Бу уларга Компания сиёсати ва давлат қонунчилигига мувофиқ хавфсиз иш жойи, меҳнат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларидан хабардор бўлиш имконини беради. Ушбу сиёсат Компаниянинг барча ҳудудлар ва фаолиятларида пудратчилар/етказиб берувчилар орқали жалб қилинган барча ишчиларга тааллуқлидир.

**Биз қуйидагиларга амал қиламиз:**

- Миллати, жинси, ёши, ногиронлиги, irqи, дини ва иш лавозимидан қатъи назар, компания ҳудудида ишлайдиган барча ишчиларга тенг таълим имкониятларини таъминлаш.
- Ишларни таснифлаш асосида пудратчининг экология ва ижтимоий таълим эҳтиёжларини аниқлаш ва бундай талаблар тегишли бошқарув жамоаси билан мунтазам равишда кўриб чиқилишини таъминлаш.
- Ўқув тақвимини ўз ичига олган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
- Онлайн ва шахсий тренинглар учун махсус экологик ва ижтимоий ўқув модулларини тайёрлаш ва амалга ошириш.
- Компания ҳудудларида ишлашдан олдин барча пудратчи ишчилари, тегишли хавфсизлик йўналиши, хавфсиз меҳнат амалиёти ва иш тартиб-қоидалари бўйича мажбурий тренингдан ўтишларини таъминлаш.
- Мунтазам равишда пудратчи ишчи кучи учун даврий малака ошириш тренинглари ўтказиш.
- Иш жойида янги моддалар, жараёнлар ёки асбоб-ускуналар ва машиналар туфайли ҳар қандай янги хавф аниқланса, бу бўйича тренинглар ўтказиш.
- Пудратчиларни, шу жумладан пудратчи ишчилар билимларини етарли даражада сақлашни таъминлаш учун ўрганиш самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолаш.
- Экологик ва ижтимоий таълим талабларига жавоб бериш учун пудратчининг мувофиқлигини кузатиб бориш ва шартнома бўйича ишчи кучига бериладиган тренингларни қайд этиш ва ҳужжатлаштириш тизимини яратиш ва уларни мунтазам янгилаш.
- Муайян иш жойидаги хавфларни аниқлаш ва таъминлашда пудратчи назоратчиларга зарур ёрдам кўрсатиш.
- Пудратчилар ўртасида экологик ва ижтимоий талаблар бўйича ўқитиш мувофиқлигини ошириш тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш.

Индорама МЧЖ ушбу сиёсатни амалга оширади, назорат қилади, ва бу бўйича мунтазам равишда ҳисобот беради. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда қайта кўриб чиқилади.

Тайёрлаган:	Лавозим: - ЭИБ Бўлим Бошлиғи	Сана: 15.09.2022	Имзо:
Текширган:	Лавозим: - Бош Бошқарувчи Раҳбар	Сана: 15.09.2022	Имзо:
Тасдиқлаган:	Лавозим: - Бош директор	Сана: 15.09.2022	Имво:



*Handwritten signature in blue ink.*